Иқтисодий–ҳуқуқий газета

# НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

N 29 (418) ● 2013 йил 23 июль

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

ҚОНУН ИЖОДКОРЛАРИ НИМАЛАР УСТИДА ИШЛАШМОҚДА

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

***19 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.***

ҚОНУНЧИЛИК палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар иккинчи ўқишда бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.



**«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси** мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг аҳолини иш билан таъминлаш жараёнларига таъсир кўрсатувчи ўзига хос хусусиятлари, устувор йўналишлари ва истиқболлари, шунингдек, халқаро андозалар ва нормаларни ҳисобга олган ҳолда аҳолини иш билан таъминлаш ҳамда ишда бандликни тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган. Қонун лойиҳасида аҳолининг алоҳида тоифаларига, шу жумладан, ўрта махсус, касб-ҳунар, шунингдек, олий таълим муассасалари битирувчиларига қўшимча кафолатлар назарда тутилмоқда, иш билан таъминланган фуқаролар, ишсизлар тушунчалари, давлат органлари вазифалари, ушбу соҳадаги бошқа ҳуқуқий нормалар аниқлаштирилмоқда.

**«Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси** фуқароларнинг меҳнат муносабатлари соҳасидаги ҳуқуқий кафолатларини кучайтиришга, ишга жойлаштириш бўйича хизматларни кенгайтиришга, аҳолини, айниқса ёшларни иш билан таъминлаш юзасидан қўшимча ҳимоя чора-тадбирларини кўришга қаратилган. Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда Ўзбекистон корхоналарининг ҳуқуқни татбиқ этиш амалиёти, шунингдек меҳнат муносабатларини қонуний тартибга солишнинг халқаро тажрибаси ҳисобга олинди. Тузатишларнинг қабул қилиниши ишловчилар ва иш берувчилар ҳуқуқлари ҳамда манфаатларининг давлат кафолатларини кучайтириш учун зарур ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш имконини беради.

**«Гаров реестри тўғрисида»ги қонун лойиҳаси** гаровга қўйилган мулкни ҳисобга олиш, шунингдек, унинг ноқонуний сотилиши ёки бошқа шахсга ўтказилишининг олдини олиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган гаров реестрини ҳисобга олувчи ягона база яратишнинг ҳуқуқий механизмларини белгилаб беради. Ишончли гаров ахборотини тўплаш, уни қайта ишлаш ва гаровга қўйилган мулкка нисбатан ҳуқуқлари бўлган ёки уларга эга бўлишни хоҳлаган шахсларга тақдим этиш, шунингдек, гаровга қўйилган мулкка нисбатан гаров ҳуқуқларининг мавжудлигини аниқлаш ва потенциал қарздорнинг гаровга қўйилган мулки тўғрисида ахборот бериш гаров реестрини ташкил этишнинг асосий мақсади ҳисобланади. Қонун лойиҳаси бўйича гаров реестри жисмоний ва юридик шахсларнинг гаровни таъминлашга, шунингдек уларни ўзгартиришга ёки тўхтатишга бўлган ҳуқуқлари юзага келиши тўғрисидаги электрон шаклдаги ёзувларни ўз ичига олган ягона ахборот маълумотлар базасини ўзида ифода этади. Ҳар томонлама моддама-модда муҳокамадан сўнг депутатлар ушбу Қонунни қабул қилдилар. Ҳужжат Олий Мажлис Сенатига кўриб чиқиш учун юборилади.

**«Хусусий банк ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасида** банк ва молия тузилмалари фаолиятини беш йилда кўпи билан бир марта режали текшириш назарда тутилмоқда.

СЎНГРА парламентнинг қуйи палатаси аъзолари биринчи ўқишдаги қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар. **«Тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилишни янада рағбатлантириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси,** айниқса, саноатнинг юқори технологик тармоқларига тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилишни янада рағбатлантиришга қаратилган. Тегишли тузатишлар «Чел эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги, «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги, «Божхона тарифи тўғрисида»ги қонунларга, Солиқ кодексига киритилмоқда.

**«Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси** болаларнинг мажбурий ўн икки йиллик таълим олишини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган. Қонун лойиҳасида болаларнинг мажбурий умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олишига ота-оналарнинг ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг тўсқинлик қилганлиги учун маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда.

Батафсил муҳокамадан сўнг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси юқорида кўрсатиб ўтилган иккала қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллади ва депутатларнинг фикрларини инобатга олган ҳолда уларни биринчи ўқишда қабул қилди. Масъул қўмиталарга ҳужжатларни иккинчи ўқишда кўриб чиқишга тайёрлаш топширилди.

***Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати.***

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

## ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

***Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан norma.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.***

NORMA
norma.uz

### ЮРИСТЛАРНИ УНИВЕРСИТЕТ ТАЙЁРЛАЙДИ

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.06.2013 йилдаги ПҚ-1990-сон қарори билан Тошкент давлат юридик институти Тошкент давлат юридик университети (ТДЮУ) этиб қайта ташкил этилди.***



ТДЮУ 5 та мутахассислик – давлат-ҳуқуқий фаолият; фуқаролик-ҳуқуқий фаолият; жиноий-ҳуқуқий фаолият; халқаро-ҳуқуқий фаолият; тадбиркорлик-ҳуқуқий фаолият (бизнес ҳуқуқи) бўйича юристларни тайёрлайди.

Қарорга мувофиқ **Ўзбекистон миллий университети,** шунингдек **Самарқанд давлат университетининг** «юриспруденция» ихтисослиги ва йўналишлари бўйича **магистр ва бакалаврлар тайёрлаш тўхтатилади**. Бунда ушбу олий ўқув юртлари талабаларига мазкур олий таълим муассасаларида ўқишни якунлаш ва диплом олиш имкони берилади.

ТДЮУ «юриспруденция» мутахассислиги бўйича юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш бўйича базавий давлат олий таълим ва илмий-методик муассасаси этиб белгиланди. Унинг тизимида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг тугатилган Фалсафа ва ҳуқуқ институти базасида Ҳуқуқий тадқиқотлар маркази ташкил этилади.

### МАҲАЛЛАЛАР ҲИСОБГА ОЛИНАДИ

**Жорий йил апрелда янги таҳрирда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ЎРҚ-350-сон Қонунга мувофиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланади, белгиланган намунадаги муҳрга эга бўлади ва белгиланган тартибда маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ҳисобга олинади.** Қонуннинг ушбу нормасини бажариш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 10.07.2013 йилдаги 196-сон қарори билан Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ҳисобга олиш тўғрисида низом тасдиқланди.

Фуқаролар йиғини ташкил этилаётганда унинг раиси (оқсоқоли) сайланган кундан бошлаб 2 ҳафта муддатда фуқаролар йиғинини ҳисобга олиш учун туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясига ариза билан мурожаат қилади. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

маҳаллани ташкил этиш тўғрисидаги тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органининг қарори;

фуқаролар йиғини тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида фуқаролар йиғини (фуқаролар вакиллари йиғилиши)нинг баёни;

фуқаролар йиғинининг (фуқаролар вакиллари йиғилишининг) йиғин раисини (оқсоқолини) сайлаш тўғрисидаги қарори;

2-бетда

# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

1-бетда

фуқаролар йиғини тўғрисидаги низом – 2 нусхада;

муҳр ва штамп намуналари эскизи – 2 нусхада.

Инспекция фуқаролар йиғинини уни статистика ва солиқ органларида ҳисобга қўйиш билан бирга ариза тақдим этилган кундан бошлаб 5 кун ичида ҳисобга



олади. Инспекция фуқаролар йиғинига КТУТ коди, СТИРни беради, унинг муҳр ва штампи эскизларини тасдиқлайди.

## ИНВЕСТОРЛАР УЧУН БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИНФРАТУЗИЛМАСИ

**Вазирлар Маҳкамасининг 1.06.2013 йилдаги 190-сон қарори билан 2013—2015 йилларда «Жиззах» махсус индустриал зонасининг транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш дастури маъқулланди.**

Дастурга автомобиль йўллари ва темир йўл инфратузилмаси участкаларини қуриш ва реконструкция қилиш тадбирлари, сув таъминоти, ирригация ва канализация тизимини ривожлантириш тадбирлари, электр таъминоти ва газ таъминоти тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш тадбирлари – жами 17 лойиҳа киритилди. Уни амалга ошириш учун давлат бюджетидан 21 млн дан кўпроқ АҚШ доллари сўм эквивалентида ажратилди.

Қарорга мувофиқ «Жиззах» МИЗнинг маъмурий кенгашига унинг ҳудудида янгидан ташкил этилаётган қувватларни транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш устуворликларидан келиб чиқиб, тасдиқланган Дастурга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилди.

Бундан ташқари, Дастурга киритилган «Жиззах» МИЗнинг инфратузилма объектларини, шунингдек «Жиззах» махсус индустриал зонаси ҳамда «Ангрен» МИЗ маъмурий биноларини, лойиҳа-смета ҳужжатларини айни бир вақтда ишлаб чиққан ҳолда, молиялаштириш, қуриш ва реконструкция қилишни 2014 йил 1 январгача амалга оширишга истисно тариқасида рухсат этилди.

«ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК «Жиззах» МИЗнинг бош режасини ишлаб чиқиш, шу жумладан унинг ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш бўйича бош лойиҳа ташкилоти этиб белгиланди.

Дастурга киритилган чора-тадбирлар рақобатбардош, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича замонавий ва юқори технологияли инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашадиган ва шу асосда янги иш ўринлари ташкил этишни таъминлайдиган қулай шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган.

## «ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» УЧУН ЯНА ИККИТА БОИНГ-767

**Вазирлар Маҳкамасининг 28.06.2013 йилдаги 186-сон қарори билан учинчи ва тўртинчи «Боинг-767-300ER» самолётларини сотиб олишни молиялаш тартиби тасдиқланди.** Шуни эслатиб ўтамизки, 2009 йилда Вазирлар Маҳкамасининг 198-сон қарори билан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК ҳаво кемалари паркини янгилаш ва унификациялаш мақсадида «Боинг» компаниясидан (АҚШ) тўртта «Боинг-767-300ER» самолётининг сотиб олиниши маъқулланди.

2012 йилда дастлабки иккита самолёт келтирилди. «Боинг» компанияси лойиҳа доирасида Миллий авиакомпанияга 2013 йилнинг май ойида учинчи самолётни етказиб берди ҳамда қуриб битказилган ва фойдаланишга тайёр ҳолда турган тўртинчи «Боинг-767-300ER» самолётини унинг қиймати бўйича ҳақ тўланганидан кейин 2013 йилнинг июнь ойида етказиб беришини маълум қилди.

Қабул қилинган қарорда харид қилинаётган самолётларнинг нархи Ислом тараққиёт банки (ИТБ) молиявий маблағлари ҳисобига қопланиши белгиланган. ИТБ томонидан самолётлар учун ҳақ тўланганидан кейин улар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига лизинг шартномасига кўра 12 йил муддатга лизингга, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАКга эса – сублизингга берилади.

Қабул қилинган қарорда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК ҳаво кемалари паркини шакллантириш бўйича молиявий операцияларнинг иштирокчилари учун бир қатор солиқ ва божхона имтиёзлари назарда тутилган.

## ЭЛЕКТРОН СТАТИСТИКА ҲИСОБОТИ ҚОИДАЛАРИ

**Давлат статистика қўмитасининг қарори билан *(АВ томонидан 17.07.2013 йилда 2479-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* Электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда электрон шаклда давлат статистика ҳисоботини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низом *(«СБХ»нинг навбатдаги сонида чоп этилади)* тасдиқланди.**

Низом статистика ҳисоботи, респондент (статистика ҳисоботини тақдим этувчи юридик шахс (зарур ҳолларда унинг ваколатхонаси ёки филиали), электрон намуна, статистика органининг электрон рақамли имзоси каби асосий тушунчаларни таърифлаб, статистика ҳисоботини электрон шаклда тақдим этиш респондентнинг ўз хоҳишига кўра ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда амалга оширилиши мумкинлиги, респондентлар статистика ҳисоботларининг қоғоз шаклидаги нусхасини тақдим этишга мажбур эмасликларини, уларни электрон шаклда тақдим этмайдиган респондентлар учун эса ушбу ҳисоботларни қоғоз шаклида, тегишли статистика органига тақдим этишнинг амалдаги тартиби сақланиб қолишини белгилайди.

Статистика ҳисоботини киритиш, қайта ишлаш, текшириш, жўнатиш ва сақлаш бўйича махсус дастурий таъминот ва электрон намуна **Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти (www.stat.uz) орқали бепул тақдим этилади.**

Статистика ҳисоботи шаклига белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритилган тақдирда, Давлат статистика қўмитаси тегишли электрон намунага зарур ўзгартиришларни киритиб, расмий сайт орқали респондентни ўзгартиришлар тўғрисида хабардор қилади.

Низомда статистика ҳисоботларини электрон шаклда тақдим этиш тартиби, уларни тақдим этишда электрон ҳужжат айланиши иштирокчиларининг ўзаро ҳамкорлиги қоидалари белгиланган.

## ДБД БЕКОР ҚИЛИНАДИГАН ҲОЛАТЛАР АНИҚЛАШТИРИЛДИ

**Давлат божхона қўмитасининг қарори *(АВ томонидан 27.06.2013 йилда 2418-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Товарлар Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига амалда олиб келиниши пайтигача божхона органларига дастлабки божхона декларациясини тақдим этиш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритилди.**

Дастлабки божхона декларацияси (ДБД) декларантнинг хоҳишига кўра қўлланилиши мумкин. Агарда ДБДда кўрсатилган товарлар декларацияни қабул қилган божхона постига декларация қабул қилинган кундан эътиборан ўттиз календарь куни ичида тақдим этилмаса, у топширилмаган деб ҳисобланади. Бундай ҳолларда ДБД бекор қилинади *(илгари декларацияланаётган товарларга нисбатан тақиқ ва чекловлар киритилган ҳолларда ҳам ДБД бекор қилинар эди).*

***Тақдим этилган ҳужжатларга қисқача шарҳларни эксперт-юристларимиз Елена ЕРМОХИНА ва Сардор ЖУМАШОВ тайёрладилар.***

### МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| Мамлакат | Сана | АҚШ доллари | | Евро | | Россия рубли | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | бирлиги | курси | бирлиги | курси | бирлиги | курси |
| Озарбайжон | 22.07.2013 | 1 | 0,7844 | 1 | 1,0320 | 1 | 0,0242 |
| Арманистон | 19.07.2013 | 1 | 410,27 | 1 | 537,54 | 1 | 12,64 |
| Беларусь | 22.07.2013 | 1 | 8840,00 | 1 | 11610,00 | 1 | 272,50 |
| Грузия | 22.07.2013 | 1 | 1,6556 | 1 | 2,1715 | 100 | 5,1053 |
| Қозоғистон | 22.07.2013 | 1 | 152,88 | 1 | 200,49 | 1 | 4,71 |
| Қирғизистон | 22.07.2013 | 1 | 49,0357 | 1 | 64,3569 | 1 | 1,5121 |
| Латвия | 23.07.2013 | 1 | 0,534000 | 1 | 0,702804 | 1 | 0,016500 |
| Литва | 23.07.2013 | 1 | 2,6255 | 1 | 3,4528 | 1 | 0,081197 |
| Молдова | 22.07.2013 | 1 | 12,7642 | 1 | 16,7344 | 1 | 0,3941 |
| Россия | 20.07.2013 | 1 | 32,4288 | 1 | 42,5920 | – | – |
| Тожикистон | 22.07.2013 | 1 | 4,7671 | 1 | 6,0642 | 1 | 0,1476 |
| Украина | 22.07.2013 | 100 | 799,3000 | 100 | 1048,9214 | 10 | 2,4648 |
| Эстония | 31.12.2010 | 1 | 11,7107 | 1 | 15,6466 | 1 | 0,383246 |

*Марказий (миллий) банкларнинг расмий сайтлари маълумотлари асосида.*

### ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 23 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1938,78 | 1 Польша злотийси | 654,01 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3217,33 | 1 СДР | 3166,42 |
| 1 Дания кронаси | 371,29 | 1 Туркия лираси | 1100,22 |
| 1 БАА дирҳами | 573,04 | 1 Швейцария франки | 2240,39 |
| 1 АҚШ доллари | 2104,62 | 1 ЕВРО | 2754,45 |
| 1 Миср фунти | 300,55 | 10 Жанубий Корея вони | 18,82 |
| 1 Исландия кронаси | 17,43 | 10 Япония иенаси | 210,57 |
| 1 Канада доллари | 2032,07 | 1 Россия рубли | 64,90 |
| 1 Хитой юани | 342,96 | 1 Украина гривнаси | 263,31 |
| 1 Малайзия ринггити | 662,04 | | |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган*

УШБУ СОНДА:

● ҚОНУН ИЖОДКОРЛАРИ НИМАЛАР УСТИДА ИШЛАШМОҚДА
– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида *1-бет*
● ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
– Валюталар курси *1-2-бетлар*
● БИЗНИНГ МАСЛАҲАТЛАР
– Нархни белгилаш тадбиркорнинг ҳуқуқи *3-бет*
● КАДРЛАР БЎЛИМИ
– Мавсум учун ходим
– Касаллик тўсқинлик қилмайди
– Ишдан бўшатинг, самолётга кечикяпман
– «31 майдан»ми ёки «31 майда»ми?
– «Маккор»га ўхшайди-ку...
– Қоидаларга асосланган ҳолда ишдан бўшатиш
– Имзони муҳр билан тасдиқланг *4-5-бетлар*
● НАЗОРАТ
– 2013 йил август ойида Ўзбекистон Республикаси назорат қилувчи органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш режа-жадвали *6-8-бетлар*

# НАРХНИ БЕЛГИЛАШ ТАДБИРКОРНИНГ ҲУҚУҚИ

*Мен газетангизнинг 15 йиллик мухлисиман. Газетангизда чоп этилаётган мақолалар менга ўхшаш республикамизнинг барча тадбиркорлари учун катта мадад бўлаётганини, маслаҳатларингиз иш-фаолиятимизда учраб турадиган қонунбузарликларнинг олдини олишда қўл келаётганини эътироф этаман. Қуйидаги саволларимга республикамиз қонунчилиги доирасида тушунтириш беришингизни илтимос қиламан.*

*Менинг хусусий корхонамда солиқ ходимлари томонидан ҳужжатли тафтиш ўтказилди. Текширув жараёнида корхонам томонидан 2012 йил давомида шартнома асосида харидорга сотилган маҳсулотлар юкхати ҳисобварақ-фактуралар (шартномадаги) нархлари билан бозор маълумотномасида кўрсатилган нархлар ўртасида тафовут аниқланди, яъни шартномадаги нархлар жами суммаси бозор нархидаги жами суммадан 13 625 229 сўмга камроқ бўлиб чиқди. Корхонам 2011-2012 йиллар давомида (икки йилликни қўшиб ҳисоблаганда) ўша ташкилотга жами ҳисобварақ-фактура орқали берилган маҳсулотларнинг шартномадаги нархлари суммаси бозор маъмурияти томонидан берилган маълумотномадаги нархлар суммасига нисбатан 14 601 789 сўмга баландроқ эканлиги текширувчилар томонидан аниқланди.*

*Бинобарин, ушбу ташкилотнинг жами шартномаларидаги нархлар билан бозор нархлари суммалари ўртасидаги тафовут 886 559 сўмга баландроқ эканлиги ҳам текширувчининг далолатномасида қайд қилинган. Шулардан келиб чиққан ҳолда:*

*1. Текширувчиларнинг корхонамдан (ҳеч қандай суднинг ёки бошқа органларнинг қарорисиз, айтилган ташкилотга икки йил давомида реализация қилинган маҳсулотларнинг нархлари ўртасидаги тафовутни ҳисобга олмасдан, фақат 2012 йил учун асосланиб) бозор билан шартномадаги нарх ўртасидаги тафовутни ундириб олишлари қонунийми? Ёки ушбу тафовут суммасини сотиб олувчига келтирилган зарар деб эътироф этиш тўғрими? Умуман, юридик шахслар ўртасидаги муносабатларда (хусусан, олди-сотди шартномасига биноан) зарарнинг вужудга келиши тўғрисида кенгроқ тушунча берсангиз.*

*Текширувчиларнинг сотувчи билан харидор ўртасида қонуний тузилган олди-сотди шартномасида кўрсатилган нархларни эътиборга олмасдан, бозор нархлари асосида маҳсулотни реализация қилишингиз керак эди, деган талаби қонунийми? Агар қонуний бўлса, бунда қайси қонун ҳужжатларига таянилади?*

*2. Ваколатли бошқарув органи деганда қандай ваколатларга эга бўлган орган тушунилади?*

**Д.Шарипова,**
**корхона директори.**

– **1.** Саволингиздан кўриниб турибдики, сиз сотаётган маҳсулотнинг нархи давлат томонидан тартибга солинмайди. Шундай экан, юридик шахслар шартномада сотиб олинаётган маҳсулот нархини ўзлари эркин белгилаши керак ва бу борада қонунчилигимизда чекловлар назарда тутилмаган.

Бундан ташқари, Солиқ кодексининг 101-моддасида давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахслари томонидан солиқ текшируви натижалари бўйича солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликнинг (у мавжуд бўлганда) солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг тегишли нормасига ҳавола этилган ҳолдаги муфассал тавсифи кўрсатилган ҳолда солиқ текшируви далолатномаси тузилиши керак дейилган.

Ушбу ҳолда текширувчилар шартнома нархини қайси қонун ҳужжати асосида бозор нархи билан солиштирганликларини асослаб беришлари керак бўлади, чунончи бундай норма Солиқ кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган.

Қолаверса, шартнома асосида маҳсулотни бозор нархидан арзон сотиш зарар деб қаралмайди, чунки Жиноят кодексининг 41-моддасида ижтимоий фойдали мақсадга эришиш учун касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик қилиб, ҳуқуқлар ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларга зарар етказиш жиноят деб топилмайди дейилган. Шунингдек ушбу моддада яна касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик қилишда кўзланган ижтимоий фойдали натижага эришилмаган ва келтирилган зарар ижтимоий фойдали мақсадга эришиш натижасида олиниши мумкин бўлган фойдали натижадан кўпроқ бўлган тақдирда ҳам етказилган зарар жавобгарликка сабаб бўлмайди деб белгилаб қўйилган.

Саволингиздан келиб чиқиладиган бўлса, корхонангизнинг 2 йиллик фаолияти даврида сотган маҳсулотларини бозор нархи билан солиштирадиган бўлсак (бундай усул қонунчиликда назарда тутилмаган бўлсада) сотиб олувчи корхона томонга 886 559 сўм фойда келганлигини кўришимиз мумкин ва бу текширувчилар далолатномасида ёзилган ҳам экан.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, сотувчи билан харидор ўртасида тузилган олди-сотди шартномасида кўрсатилган нархларни текширувчилар бозор нархлари билан солиштириши ўринсиз. Чунки ҳар қандай тадбиркорлик субъекти Ўзбекистон Республикасининг 25.05.2000 йилдаги «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги 69-II-сон Қонунининг 8-моддасига асосан ўз товарлари, ишлари ва хизматларини бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб, мустақил равишда белгиланадиган нархлар ва тарифлар бўйича ёки шартнома асосида реализация қилишга ҳақли. Қолаверса, ушбу Қонуннинг 34-моддасида давлат органлари, бошқа ташкилотлар ҳамда уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошираётган фаолиятига аралашишга ҳақли эмаслиги белгилаб қўйилган.

**2.** Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш ва назорат қилиш бўйича ваколатли органлар этиб қуйидагилар белгиланган:

1) давлат солиқ хизмати органлари – Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари, шунингдек туманлар, шаҳарлар ва шаҳардаги туманлар давлат солиқ инспекциялари;

2) божхона органлари – Давлат божхона қўмитаси, Қўмитанинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари, божхона комплекслари ва божхона постлари;

3) молия органлари – Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари, туман ва шаҳар ҳокимликларининг молия бўлимлари;

4) бошқа мажбурий тўловларни ундириш вазифасини амалга оширувчи давлат органлари ва ташкилотлари.

***Жавобни экспертимиз***
***Умидбек САФАРОВ тайёрлади.***

РЕКЛАМА

## Qilshloq Qurilish Bank: ИМКОНИЯТЛАРИМИЗ САМАРАСИ

“Қишлоқ қурилиш банк”нинг универсал банк сифатидаги фаолияти барча соҳада яққол намоён бўлмоқда. Жорий йилда белгиланган вазифаларни беками кўст бажариш, молиявий ресурслар ёрдамида истиқболли лойиҳаларни ўз вақтида қўллаб-қувватлаш аҳил жамоанинг эзгу шиорига айланган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти моддий жиҳатдан рағбатлантирилиб, улар учун сифатли банк хизматлари таклиф этилмоқда.

Юртимизда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, республика Савдо-саноат палатаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус касб-ҳунар таълим маркази томонидан тижорат банклари билан биргаликда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежи талабалари ўртасида “Менинг бизнес ғоям” танлови ташкил этилганлиги кўпчиликка яхши маълум.

Ушбу танловнинг 22 нафар ғолиби ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банк”нинг имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи, жами 205.1 млн. сўмга тенг бўлган сертификатларни қўлга киритадилар. Бу ҳам бўлса, ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан яна бир карра далолат беради, албатта.

Шунингдек, ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан хизмат кўрсатиладиган кичик бизнес субъектлари ва коллеж битирувчилари ўртасида “Энг яхши инновацион лойиҳа”, “Ишлаб чиқариш соҳасидаги энг яхши лойиҳа” ҳамда “Энг яхши ёш тадбиркор” номинациялари бўйича кўрик-танлов ўтказилиб, танлов натижалари бўйича ғолиб, деб топилган иштирокчилар яқинда бўлиб ўтган “Bank Expo-2013” кўргазмаси жараёнида имтиёзли шартлар асосида кредитлар ажратиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида республика аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини барқарор таъминлаш, ички истеъмол бозорини мамлакатда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, асосан қишлоқ жойларда замонавий, юқори унумли техника ва технология билан жиҳозланган қайта ишловчи ихчам корхоналарни барпо этиш, шу асосда янги иш жойларини ташкил қилиш, аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида банк томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида қарийб 34,4 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди.

Шунингдек, мамлакатимиз Президентининг 2009 йил 28 январдаги “Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида банк мижозлари томонидан рақобатбардош, юқори сифатли ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва турларини кенгайтиришни рағбатлантириш мақсадида банк томонидан 2013 йилнинг ўтган даврида ажратилган кредитлар ҳажми 47,9 млрд. сўмни ташкил этиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг 1 июль ҳолатига нисбатан 17,5 млрд. сўмга ортди.

2013 йил давомида кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлар ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 51,3 млрд. сўмга ортиб, 2013 йил 1 июль ҳолатига 183,9 млрд. сўмни ташкил этди.

Мамлакатимизда кейинги йилларда банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш, аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини банк омонатларига жалб қилишни рағбатлантиришга қаратилган бир қатор Президент Фармон ва Қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарорлари қабул қилинган бўлиб, ушбу қарорлар ижросини таъминлаш борасида ҳам банк томонидан бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Ўз навбатида, аҳолининг вақтинча бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиш асосида ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан қуйидаги вазифаларнинг бажарилишига эришилмоқда. Биринчидан, аҳолининг вақтинча бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш орқали банкнинг актив амалларини кўпайтириш учун ресурс базаси мустаҳкамланаётган бўлса, иккинчидан, аҳолига ўзаро манфаатли омонат турларини таклиф этиш ҳамда омонат бўйича келишилган шартларни бажариш йўли билан аҳоли ўртасида банкка бўлган ишончни ошириш асосида доимий ҳамкорларга эга бўлиб борилмоқда.

Хусусан, банкда узоқ муддатли ресурс базасини шакллантириш мақсадида омонатлар бўйича манфаатли шарт-шароитлар яратиш, мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш йўли орқали аҳолининг бўш пул маблағларини узоқ (1 йилдан ортиқ) муддатга банк депозитларига жалб қилишни фаоллаштириш вазифалари белгилаб олинган. Жумладан, ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан бугунги кунда банк омонатлари таркибида узоқ муддатли омонатлар салмоғини ошириш мақсадида янги юқори фоизли, муддатли ва жамғармали омонат турлари аҳолига таклиф қилиниб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 апрелдаги “Аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини тижорат банкларидаги депозитларга жалб қилишни янада рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПК-1090-сон қарори, шунингдек 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015 йилларда Республика Молия-банк тизимини ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПҚ-1438-сон Қарори ижросини таъминлаш бўйича банк томонидан амалга ошириб келинаётган тадбирлар натижасида банк депозитлари ҳажмини доимий равишда ошириб боришга эришилмоқда. Натижада банк бўйича аҳоли омонатлари қолдиғи 2013 йил 1 июль ҳолатига 91 970,0 млн.сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 44,1 фоизга ўсишга эришилди.

Жумладан, 2013 йилнинг ўтган 6 ойи давомида аҳоли учун қулай бўлган 14 та миллий ва 2 та хорижий валютада жозибадор омонат турлари жорий этилиб, натижада банк бўйича муддатли омонатлар ҳажми йил бошига нисбатан 32,2 фоизга, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан эса 56,5 фоизга ўсиши таъминланди.

Шунингдек, банк тизимида узоқ муддатли қурилиш-уй-жой қурилиши учун муддатли жамғарилиб бориладиган, бунда жисмоний шахс томонидан уй-жой қурилиши учун мақсадли жамғармали омонати бўйича фоизлар ҳисоблаш ва уларни капиталлаштириб бориш, мақсадли жамғарилган шахснинг омонати унинг келажакда оладиган кредит суммасининг камида 25 фоизини тўплаган тақдирда уй-жой қуриш учун имтиёзли кредит олишда устувор ҳуқуққа эга бўладиган янги омонат турлари амалиётга жорий этилди.

Аҳолига кенг турдаги чакана хизматларини кўрсатиш мақсадида банк жамғарма шоҳобчалари сонини кўпайтириш, қишлоқ жойларда уларнинг тармоғини кенгайтириш борасида ҳам бир қатор ибратли ишлар олиб борилди. Хусусан, ҳозирги кунда банк тизими бўйича 49 та жамғарма шоҳобчалари аҳолига кенг қамровли банк хизмат турларини кўрсатиб, уларнинг ишдан ташқари вақтда ёки дам олиш кунларида режимли ишлаш тартиби ишлаб чиқилган.

Шунингдек, банкнинг барча филиалларида “Ишонч телефонлари” ташкил этилганлиги ва унга малакали ходимларнинг бириктириб қўйилиши аҳолининг банк омонатларининг шартлари, омонатдаги маблағларининг қайтарилишида вужудга келадиган муаммолар юзасидан тушадиган мурожаатларини жойида ижобий ҳал қилиш имконини бермоқда.

ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» халқимиз фаровон яшаши учун муносиб турмуш шароитини яратиш, мижозлар талабини қондириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлида янги имкониятларни яратишни ўз олдига мақсад қилиб олган. Бу эса банкнинг юртимиз молия-банк тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг фаол ижрочиси сифатида эътироф этилишига хизмат қилади.

***Банк матбуот хизмати.***

НОРМА МАСЛАҲАТЧИ
N 29 (418) ● 2013 йил 23 июль

# МАВСУМ УЧУН ХОДИМ

***Вақтинчалик ходимни муайян мавсумга қандай қилиб тўғри расмийлаштириш керак? У билан қандай шартнома тузилади ва ундан қандай ҳужжатлар талаб қилинади?***

**Л.Юсупова.**
**Тошкент шаҳри.**

– Одатда мавсумий ишни табиий ва иқлим сабабларига кўра иш бутун йил давомида давом этиши мумкин бўлмаган ҳолдагина жорий этиш мумкин.

Мавсумий ишлар меҳнат муносабатларини фақат муайян давр мобайнида, **масалан пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш бўйича қишлоқ хўжалиги ишлари вақтида, иситиш мавсумига ва ҳоказоларда** ўрнатишни назарда тутади. Бу ҳолда ишга қабул қилинганлар билан муддатли меҳнат шартномалари тузилади.

Ишга қабул қилиш вақтида иш берувчи ходимдан Меҳнат кодексининг *(МК)* 80-моддасида назарда тутилган ҳужжатларни талаб қилиши шарт.

Муддатли меҳнат шартномасини тузаётганда унда шартнома доирасида бажариладиган ишлар мавсумий тусда эканлиги кўрсатилиши лозим. Ушбу талаб МК 76-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисидан келиб чиқади.

Иш вақти ва дам олиш вақтининг аниқ режими, агар мавсумий ходим учун у иш берувчида амал қиладиган умумий қоидалардан фарқ қилса, меҳнат шартномасида кўрсатилади.

Шартнома тузилгандан кейин ташкилот раҳбари ишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ чиқаради. Унда ҳам ходим ишни фақат муайян даврда бажаришини кўрсатиш лозим. Ишга қабул қилиш ҳақидаги буйруқ тузилган меҳнат шартномасининг мазмунига тўла мувофиқ равишда чиқарилади *(МК 82-моддасининг тўртинчи қисми)*.

Иш берувчи мавсумий ходимнинг меҳнат дафтарчасига ишга қабул қилиш тўғрисида ёзувни, агар у 5 кундан кўпроқ ишлаган бўлса, иш эса унинг учун асосий иш ҳисобланса, қайд этиши керак.

Муддатли меҳнат шартномасида унинг тугаган куни кўрсатилади *(МК 105-моддасининг биринчи қисми)*. Бироқ шартномани тузиш пайтида аниқ санани кўрсатиш мумкин бўлмайдиган ҳол учраши мумкин. Бу мавсумий ишларнинг ўзига хослиги билан боғлиқ. Масалан, йиғим-терим палласи қачон тугашини аниқ кўрсатиб бўлмайди. Ушбу ҳолда аниқ сана ўрнига меҳнат шартномасининг амал қилиши тугатиладиган муайян шарт-шароит кўрсатилади. Чунончи, шартноманинг муддати дала ишлари тугаши ёки иситиш мавсуми тугаши билан тугайди деб ёзиб қўйиш мумкин.

# КАСАЛЛИК ТЎСҚИНЛИК ҚИЛМАЙДИ

***Мен ўз хоҳишим билан ишдан бўшашга ариза ёздим. Ишлаб бериш тугашига яқин касал бўлиб қолдим. Агар мен касаллик варақаси олсам, огоҳлантириш муддатимни узайтиришадими ёки икки ҳафталик муддат тугаши билан ишдан бўшатадиларми?***

**С.Мелибоева.**
**Жиззах вилояти.**

– Огоҳлантириш муддати тугагандан сўнг ходим ишни тўхтатишга ҳақли, иш берувчи эса, ходимга меҳнат дафтарчасини бериши ва у билан ҳисоб-китоб қилиши шарт *(Меҳнат кодекси (МК)нинг 99-моддаси)*. Меҳнат шартномасини ўз хоҳишига кўра ходимнинг аризасига мувофиқ **унинг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида ҳам бекор қилиш мумкин, чунки ишдан бўшатиш ташаббуси** иш берувчидан эмас, балки **ходимнинг ўзидан келиб чиққан** *(МК 100-моддасининг бешинчи қисми)*.

# ИШДАН БЎШАТИНГ, САМОЛЁТГА КЕЧИКЯПМАН



***Мени ўз хоҳишим билан ишдан бўшатишлари тўғрисида ариза ёздим. Бироқ бош директоримиз иш жойида эмас, бўлим бошлиғи ишга чиқмаяпти. Мен республикадан ташқарига самолётда учиб кетишим кераклиги боис зудлик билан ишдан бўшашим керак. Икки ҳафтани қайси кундан бошлаб ишлаб беришни бошлайман.***

**А.Раҳмонов.**
**Тошкент шаҳри.**

– Сизнинг ҳолатингизда аризa ёзишни ва уни бош директор қабулхонаси ёки девонхонада кирувчи ҳужжат сифатида рўйхатдан ўтказишни тавсия қиламиз. Қабулхона ходимидан ёки девонхона ходимидан аризага тегишли белги қўйишларини сўранг. Ундан ўзингиз учун нусха олинг.

Кирувчи ҳужжатлар журналида ариза рўйхатдан ўтказилган кундан кейин келадиган кундан бошлаб иш берувчининг огоҳлантириш муддати бошланади. 2 ҳафта ўтгач, сиз ишни тўхтатишга ҳақлисиз *(Меҳнат кодексининг 99-моддаси)*.

*Жавобларни эксперт-юристимиз Абдусалом РИСҚУЛЛАЕВ тайёрлади.*

# «31 МАЙДАН»МИ ЁКИ «31 МАЙДА»МИ?

***Буйруқда ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш санасини қандай қилиб тўғри кўрсатишни айтиб берсангиз. Масалан, у аризасида ўз хоҳиши билан 31 майдан ишдан бўшашни ёзса, буйруқда оддийгина қилиб «Меҳнат шартномаси 31 майдан бекор қилинсин» деб ёзиш керакми ёки «31 майдан меҳнат шартномаси бекор қилинсин» деб ёзиш лозимми? «___ дан» қўшимчаси лозимми?***

**Б.С., кадрлар бўлими бошлиғи.**
**Навоий шаҳри.**

– Одатда ходимлар меҳнат шартномасини ўз хоҳишларига кўра бекор қилиш тўғрисидаги аризаларида «Мени «________» (сана)дан бошлаб эгаллаб турган лавозимдан бўшатишингизни/озод қилишингизни сўрайман» деб ёзадилар. Бунда ҳақиқатан ҳам меҳнат шартномасини бекор қилиш санаси ва охирги иш кунини аниқлашда қийинчилик туғилади. Гап шундаки, ходим 31 майда «озод» бўладими, яъни у билан меҳнат шартномаси бекор қилиниб бўладими ёки ушбу кун унинг корхонадаги охирги иш кунига айланадими?

Турли кишилар буни турлича тушунадилар. Шу сабабли сананинг қўшимчасини ўзгартириш тўғрироқ бўлади. Масалан, «Мен билан меҳнат шартномасини ўз хоҳишимга кўра 2013 йил 31 майда бекор қилишингизни сўрайман». Ушбу ҳолда ходимнинг корхона/ташкилотдаги охирги иш куни 31 май бўлади.

Шунингдек ариза ва буйруқда «ишдан бўшатиш» атамасини қўллаш керак эмас. Албатта, сўзлашув нутқида «ишдан бўшатиш», «ишдан бўшаш» деб сўзлашилади, бироқ Меҳнат кодексида фақат «меҳнат шартномасини бекор қилиш» қўлланади. Шу боис аризада ҳам, буйруқда ҳам, меҳнат дафтарчасида ҳам бошқа атамалардан эмас, балки айнан ушбу атамадан фойдаланиш керак.

Бу ҳам юридик жиҳатдан тўғри бўлади, ҳам моҳиятига кўра меҳнат муносабатлари якунланганлигини тўғри акс эттиради.

*Ахтам ҲИКМАТОВ, адвокат.*



# «МАККОР»ГА ЎХШАЙДИ-КУ...

***Корхонамиз ходималаридан бири ҳақ тўланадиган болани парваришлаш таътилида. Бироқ биз у ўзи ўриндошлик қиладиган ташкилотда ишлашни давом эттираётганидан хабар топдик. Биз у билан меҳнат шартномасини таътилни «фирибгарлик йўли» билан, маккорларча олганлиги, зеро амалда таътилдан фойдаланмаётганлиги муносабати билан бекор қилишга ҳақлимизми?***

**Д.Н-ва, директор ўринбосари.**
**Фарғона вилояти.**

– Меҳнат кодекси *(МК)* 234-моддасининг биринчи қисмига биноан ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугагандан кейин аёлнинг хоҳишига кўра, унга боласи 2 ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш учун таътил берилиб, бу даврда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нафақа тўланади.

Болани парваришлаш таътили даврида аёлнинг иш жойи (лавозими) сақланади.

Шунингдек МК 72-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ ходим ўриндошлик асосида ишлаш тўғрисида, башарти бу қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бўлса, меҳнат шартномалари тузиши мумкин. Ўриндошлик асосида ишлашга йўл қўйилмайдиган ҳоллар Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида низомнинг[1] 4-бандида келтирилган. Хуллас, қуйидагиларнинг ўриндошлик асосида ишлаши тақиқланади:

18 ёшга тўлмаган шахслар;

агар шахснинг асосий иши меҳнатнинг ноқулай шарт-шароитлари билан боғлиқ бўлса, шундай шарт-шароитдаги ишларда ишлаш;

Президент Девони ва Вазирлар Маҳкамаси аппарати ходимлари, давлат бошқаруви органлари раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари ва таркибий бўлинмалар бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва аъзолари, Президент ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари;

бир-бирига бўйсунувчи ёки бир-бирининг назоратидаги ташкилотларда давлат бошқаруви органлари мутахассислари – соғлиқни сақлашни бошқариш органларида банд бўлган врачлар ва таълимни бошқариш органларида банд бўлган ўқитувчилар бундан мустасно;

қонун ҳужжатларига мувофиқ ўриндошлик асосида ишлаши тақиқланган бошқа шахслар (ходимлар).

Шу тариқа, агар корхонангиз ходимаси ушбу таърифлардан бирортасига мувофиқ бўлмаса, у ўриндошлик асосида ишлашга ҳақли.

Унинг таътилни қандай олганлигига келсак, фақат у сохта ёки қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган тақдирдагина фирибгарлик қилган деб эътироф этиш мумкин. Акс ҳолда, агар унинг ҳақиқатан ҳам 2 ёшга тўлмаган боласи бор бўлса, унинг таътил олиши қонунийдир. Аёлнинг болани парваришлашга ва бир вақтнинг ўзида ўриндошлик бўйича ишлашга улгуриши эса (бунда, юқорида айтилган Низомнинг 7-бандига кўра, ўриндошлик асосида ишлашнинг давомийлиги ходимларнинг ушбу тоифаси учун белгиланган иш вақти нормасининг ярмидан ортиқ бўлиши мумкин эмас) унинг тўлиқ ҳуқуқидир.

Шунингдек таъкидлаш лозимки, қонун ҳужжатлари ҳомиладор аёллар ва 3 ёшга тўлмаган боласи бор аёллар учун кафолатларни назарда тутади. Чунончи, МК 237-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ улар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди, корхонанинг бутунлай тугатилиш ҳоллари бундан мустасно, бундай ҳолларда меҳнат шартномаси уларни албатта ишга жойлаштириш шарти билан бекор қилинади.

Юқорида айтилганларга якун ясаганда, сиз болани парваришлаш таътили даврида ўриндошлик бўйича ишлаётган ходима билан меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақли эмассиз.

*Алексей НИЯЗМЕТОВ, юрист.*

[1] *ВМнинг 18.10.2012 йилдаги 297-сон қарори билан тасдиқланган.*

# ҚОИДАЛАРГА АСОСЛАНМАГАН ҲОЛДА ИШДАН БЎШАТИШ

***Мен бухгалтер бўлиб ишлайман. Корхонамиз директори зиммамга юклатилган меҳнат вазифаларини бир маротаба қўпол равишда бузганим учун мени ишдан бўшатмоқчи (бунинг сабаблари, менимча, субъектив тусда). Бироқ мен ишлайдиган корхонада ички меҳнат тартиби қоидалари тасдиқланмаган. Бундай ҳолда директор мен билан меҳнат муносабатларини бекор қила оладими?***

**Сайфитдин Ж.,**
**корхона бухгалтери.**

– Ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузганлиги *(Меҳнат кодекси (МК) 100-моддаси иккинчи қисмининг 3-банди)* ва ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузганлиги *(МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 4-банди)* учун меҳнат шартномасини бекор қилиш интизомий жазо чораси ҳисобланади.

Меҳнат тўғрисидаги миллий қонунчиликда ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга олиб келиши мумкин бўлган меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузишларнинг рўйхати белгиланмаган. Ҳар бир корхонада у мустақил равишда қуйидагича белгиланади:

- ички меҳнат тартиби қоидалари;
- корхона мулкдори билан корхона раҳбари ўртасида тузилган меҳнат шартномаси;
- айрим тоифадаги ходимларга нисбатан қўлланиладиган интизом ҳақидаги низом ва уставлар билан.

Бироқ баъзи корхоналарда ички меҳнат тартиби қоидалари тасдиқланмаган, ходимларнинг вакиллик органи (касаба уюшмаси қўмитаси, меҳнат жамоаси кенгаши ва бошқалар) мавжуд эмас. Бошқаларида эса, гарчи улар бор бўлсада, директор томонидан ходимларнинг вакиллик органи билан келишмасдан ёки бундай орган йўқлиги боис ўзи томонидан тасдиқланган. Ушбу ҳолда иш берувчи меҳнат шартномасини ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузганлиги учун бекор қила олмайди. Зеро, МКнинг 174-моддасига кўра, корхонада меҳнат тартиби иш берувчи касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб тасдиқлайдиган ички меҳнат тартиби қоидалари билан белгиланади.

Юқорида баён этилгандан келиб чиқилса, **иш берувчи сиз билан меҳнат шартномасини меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузганлик учун бекор қилишга ҳақли эмас, зеро корхонада ички меҳнат тартиби қоидалари тасдиқланмаган.**

***Ишга киришимда мен билан меҳнат шартномаси тузишди, бироқ иш берувчи шартномага муҳр қўймади. Кадрлар бўлимининг бошлиғи буни меҳнат шартномасига корхона муҳри қўйилмайди, энг асосийси – имзолар деб изоҳлади. Шундайми?***

**Ф.Маҳмудова.**
**Наманган вилояти.**

# ИМЗОНИ МУҲР БИЛАН ТАСДИҚЛАНГ




– Биринчидан, сизни тинчлантирмоқчиман – меҳнат шартномасида муҳрнинг йўқлиги уни ҳақиқий эмас деб ҳисоблашга олиб келмайди. Муҳр фақат имзонинг ҳақиқий ва ваколатли эканлигини тасдиқлайди холос. Энг муҳими, шартноманинг иш берувчи томонидан ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахси имзоланиши.

Иккинчидан, ходимга ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан ёки унинг ижозати билан ишлашга амалда ижозат берилиши, ишга қабул қилиш лозим даражада расмийлаштирилган ёхуд расмийлаштирилмаганлигидан қатъи назар, меҳнат шартномаси тузилган деб ҳисобланади.

Учинчидан, меҳнат шартномасини лозим даражада расмийлаштириш мажбурияти иш берувчининг зиммасига юклатилади.

Энди муҳр масаласига келсак. Меҳнат кодексининг 74-моддасида кўрсатилишича, меҳнат шартномаси ходим ва ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахснинг имзолари билан мустаҳкамланиб, имзоланган муддати қайд этиб қўйилади. Мансабдор шахснинг имзоси имзонинг ҳақиқий ва ваколатли эканлигини таъкидлаш тариқасида **корхона муҳри билан** тасдиқланади.

Бундан ташқари, Ёзма ҳолдаги меҳнат шартномаси (контракт) тузиш юзасидан тавсияларда[1] кўрсатилишича, меҳнат шартномаси (контракт) сана кўрсатилган ҳолда имзолар билан тасдиқланади. **Корхона, муассаса, ташкилот ишга қабул қилиш ҳуқуқи берилган мансабдор шахснинг имзосини гербли муҳр билан тасдиқлайди (гербли муҳр бўлмаган тақдирда имзонинг ҳақиқийлиги ва ваколатлилигини тасдиқловчи бошқа муҳр билан тасдиқланади).**

**Шу тариқа, меҳнат шартномасида корхонанинг муҳри қўйилиши керак.**

[1]*Вазирлар Маҳкамасининг 11.03.1997 йилдаги 133-сон қарорига 1-илова.*

***Ленара ХИКМАТОВА, юрист.***

ҲАМДЎСТЛИКДА

# ҚЎШНИЛАРИМИЗДА ПЕНСИЯ ИСЛОҲОТЛАРИ

***Энди Қозоғистонда пенсия ислоҳоти амалга оширилади деб бемалол айтиш мумкин. Май ойида республика Сенати аёллар учун пенсия ёшини ҳозирги 58 ёшдан 63 ёшга кўтарадиган қонун лойиҳасини кўпчилик овоз билан қўллаб-қувватлади. Бироқ мамлакат Президенти ўз мулоҳазаларини билдириб, уни қўшимча ишлашга юборди.***

Биринчи навбатда у пенсия ёшини оширишни лойиҳада назарда тутилганидек 2014 йилдан эмас, балки 2018 йилдан бошлашни таклиф қилди. Бунда уни босқичма-босқич – 10 йил мобайнида ҳар йили 6 ойга ошириб бориш лозим. Босқичма-босқич ўтиш пенсия тизимини қозоғистонликларнинг манфаатларини кўпроқ даражада ҳисобга олган ҳолда модернизациялаш имконини беради. Янги қонун ҳужжатлари кучга киргунча давлат фуқароларни, айниқса пенсияга чиқиш арафасидаги ёшдаги аёлларни ижтимоий ҳимоялаш учун қўшимча чораларни кўриши керак. Бундан ташқари, Қозоғистон раҳбари қуйидаги топшириқларни берди:

туғиш ва болани парвариш қилиш таътилида бўлган даврида ишловчи аёллар учун мажбурий пенсия бадалларини қўшимча тўлашни давлат ҳисобидан таъминлаш;

қўшимча пенсия фондига тўловларнинг умумий миқдорини улар даромадининг 10%ига етказиш;

фуқароларнинг мавжуд 10%лик мажбурий пенсия ажратмаларига иш берувчилардан қўшимча 5%лик мажбурий ажратмаларни жорий этиш;

алоҳида зарарли ишлаб чиқаришларда банд бўлган фуқароларнинг пенсия таъминотини яхшилаш учун мажбурий профессионал пенсия бадаллари ставкаларини яна 5%га босқичма-босқич ошириш.

Қонун лойиҳаси, шунингдек муассиси ва акциядори Қозоғистон ҳукумати бўладиган, пенсия активларини бошқаришни республика Миллий банки амалга оширадиган ягона жамғарма пенсия фондини барпо этишни назарда тутади.

Қозоғистон ҳукумати шу йилнинг кузидаёқ пенсия ислоҳотининг янги концепциясини тақдим этишни режалаштиряпти.



*Қозоғистонда аралаш пенсия тизими амал қилади, у солидар ва жамғарма қисмларидан иборат. 1998 йил 1 январгача 6 ойдан кўпроқ иш стажига эга бўлганлар пенсияни иккала тизим бўйича, қолганлар – фақат жамғарма тизими бўйича олади. Солидар пенсиянинг манбаи Давлат пенсияларни тўлаш марказидир (ушбу қисм умр бўйи тўланади), жамғарма пенсиясининг манбаи – жамғарма пенсия фондлари (жамғарма тугагунча тўланади) ёки суғурта компанияси орқали пенсия аннуитети (жамғарма пенсия фондидан суғурта компаниясига ўтказилган барча жамғармалар ҳисобига умр бўйи тўланади). Аёллар пенсияга 58 ёшдан, эркаклар эса 63 ёшдан чиқадилар.*

***Интернет тармоғи материалларидан.***

РЕКЛАМА

**"AMIR-AUDIT" МЧЖ**
аудиторлик ташкилоти
28.03.2008 йилдаги 00642-сон лицензия.
ЎзР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сон гувоҳномаси.

**Ўзбекистон Республикасидаги барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувлари ўтказади**

**Малака сертификатли аудиторларни ишга қабул қиламиз**

**Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш**

Тел.: (+99890) 187-04-68, (+99894) 644-62-23, 296-55-78; факс (8371) 296-52-15

ЭЪЛОНЛАР

**ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР**

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*
Тел. 346-16-89.

ADVOKATELITE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*.
Тел.: 281-52-39, 346-16-89.

**ХИЗМАТЛАР**

Электрон ҳисоботлар учун дастурларни ўрнатиш ва созлаш, 1С Бухгалтерия.
Тел. 963-89-58.

Лазерли принтерларни тўлдириш. Мақбул нархлар. Жойига чиқиш билан.
Тел. 127-15-28.

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов исталган шаклда.
Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

***Хизматлар лицензияланган. Товар сертификатланган.**

7-бетда

## ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

| Корхона номи | СТИР | Текширувни ўтказишга масъул бўлган назорат органлари ва уларнинг бўлинмалари |
|---|---|---|
| ***ОЛТИАРИҚ тумани*** | | |
| ФРОМОДА ТЕКСТИЛ МЧЖ | 206611883 | 1(B) |
| ШОХИМАРДОНСОЙ МЧЖ | 200174958 | 1(A), 11(A), 14(B), 17(B), 20(A), 22(B) |
| ***БАҒДОД тумани*** | | |
| FERGANA SPINNING MCHJ QK | 300498954 | 1(B), 17(B), 20(B) |
| АЛ-ФАРГОНИЙ ХТК КТФ | 203697866 | 1(A), 11(A), 20(A), 25(A) |
| КУРУВЧИ ХТК КТФ | 203697859 | 1(A), 17(B), 20(A), 25(A) |
| МИРЗАБОБО КТДФХ | 202461741 | 1(A) |
| ***БЕШАРИҚ тумани*** | | |
| САЙИД-БЕК ФХ | 203729531 | 1(A), 29(A) |
| ***ҚЎҚОН ш.*** | | |
| BULUT TEXTILE QK | 207067024 | 1(B), 11(A), 16(B), 20(B), 25(A) |
| EXIM TEXTILE QK | 206834542 | 1(B), 11(A), 34(C) |
| LINK TRANS MCHJ | 207040336 | 1(B) |
| MOXIRABONU TRANS | 206770204 | 1(A), 6(B), 20(A) |
| SPRING PLAST XK | 203381359 | 1(A), 17(B), 20(A), 22(B) |
| QO'QON ASAKA TEXTILE MCHJ | 301497250 | 1(C), 11(A), 17(B), 20(C), 22(B), 25(A) |
| СИФАТ ЭЛЕГАНТ ТЕКС МЧЖ | 300768483 | 1(B), 11(A), 20(A) |
| ШУЪЛАИ ЖАХОН КУКОН МЧЖ | 200918250 | 1(A), 11(A), 17(B), 20(A) |
| ***ҚУВАСОЙ ш.*** | | |
| КУВАСОЙ ИССИК НОН САВД. ИЧХК | 205031349 | 1(A), 17(B), 20(B), 22(B) |
| УЗБЕК-БРИТАНИЯ UNITEX LTD КК | 205292887 | 1(B), 17(B), 20(B), 22(B), 25(A) |
| ***МАРҒИЛОН ш.*** | | |
| GUNPA ELITA МЧЖ | 206740794 | 1(B), 20(A) |
| НУРЛИ ТОНГ-СИЛК МЧЖ | 204241713 | 1(B), 17(B), 20(A), 22(B), 25(A) |
| ПАЛМА ФАЙЗ БАРАКА МЧЖ | 300938628 | 1(B), 11(A), 17(B) |
| ***ФАРҒОНА ш.*** | | |
| FARG'ONA IPAK-SILK МЧЖ | 205165577 | 1(A), 11(A), 16(B), 20(B), 22(B) |
| А. АКБАРАЛИ МЧЖ | 203466512 | 1(B) |
| ДАРМОН ХФ | 201617744 | 1(A), 34(C) |
| ДИАНА МЧЖ | 203460426 | 1(A), 33(B) |
| ЗАЙТУН КУП ТАРМОКЛИ ХФ | 202565248 | 1(A), 20(A), 34(C) |
| ФАРГОНА ТУРОН ТЕКСТИЛ МЧЖ | 301336592 | 1(A), 17(B), 20(C), 22(B) |
| ФЕЙХАН-ТЕКС МЧЖ ШАКЛИДА КУШМ. | 205733581 | 1(B), 11(A), 17(B), 20(B), 22(B) |
| ***ДАНҒАРА тумани*** | | |
| ФИРДАВС ЮНУСОВ МЧЖ | 204418751 | 1(A), 11(A) |
| ***ҚУВА тумани*** | | |
| QUVA TEKSTIL МАЪСУЛИЯТИ ЧЕКЛАН. | 200173738 | 1(B), 6(B), 11(A), 17(B), 20(B), 22(B), 25(A) |
| ***ҚЎШТЕПА тумани*** | | |
| ИШЛ. ЧИК. ВА ТАЪМИНОТ КОРХОНАСИ | 200180967 | 1(A), 11(A), 17(B), 20(A), 25(A) |
| ХАЙДАРОВ ТОХИРЖОН ФАЙЗ САВДО | 301043998 | 1(A), 11(A), 20(A) |
| ***РИШТОН тумани*** | | |
| МЕХНАТОБОД НУРМАТ ТРАНС ХК | 300509725 | 1(A), 11(A), 20(A) |
| ***СЎХ тумани*** | | |
| СИТОРАИ-ТОБОН МЧЖ | 300516076 | 1(A), 11(A), 17(B), 20(A), 25(A) |
| ***ТОШЛОҚ тумани*** | | |
| Ф.Ш. DAEWOO TEXTILE FERGANA МЧЖ | 300050025 | 1(C), 6(B), 11(A), 22(C), 33(B), 38(B) |
| VODIY TOSHLOQ TEXTILE ИЧ КООП. | 300203086 | 1(A), 11(A), 20(A), 22(B), 25(A) |
| БЕШ АЛИШ ПАР КК | 205258674 | 1(A), 11(A), 25(A) |
| ***ФАРҒОНА тумани*** | | |
| ХАМОХАНГ САВДО ФИРМАСИ | 203913034 | 1(A) |

## ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

| Корхона номи | СТИР | Текширувни ўтказишга масъул бўлган назорат органлари ва уларнинг бўлинмалари |
|---|---|---|
| ***БОҒОТ тумани*** | | |
| DARITAL TEKSTIL MCHJ | 301042801 | 1(B), 22(B) |
| ***ПИТНАК ш.*** | | |
| АЛЬ-АРАБ ФХ | 201406634 | 1(A) |
| ***УРГАНЧ ш.*** | | |
| DIYOR AVTOMARKET ХФ | 204377947 | 1(A), 11(A) |
| NEOS-TASHKENT MCHJ | 206221973 | 1(B), 11(B), 25(B) |
| ДИАДЕМА ХК | 205781634 | 1(A) |
| ИСКАНДАР МЧЖ | 200936973 | 1(A) |
| НОИБ МАРМАР ХКТК | 205089379 | 1(B), 20(B), 25(B) |
| ТИБЕТ МЧЖ | 202929419 | 1(B), 17(B), 25(A) |
| ШЕРОЗ ХОРАЗМ ХК | 300851974 | 1(A) |
| ШОДЛИК ХУС. ОШХ. | 200936965 | 1(A) |
| ***ГУРЛАН тумани*** | | |
| BINO QURILISH SERVIS MCHJ | 300608752 | 1(B), 25(B) |
| MUROD NURADDINOV FX | 205407131 | 1(A), 29(A) |
| ***ҚЎШКЎПИР тумани*** | | |
| АБДУЛЛА ОТА ФХ | 202788365 | 1(B) |
| ЛОБАР ХУС. ДОРИХОНАСИ | 200218609 | 1(A), 11(A), 34(C) |
| ХУМО ФХ | 200217388 | 1(A), 29(A) |
| ***УРГАНЧ тумани*** | | |
| ДИЛМУРОД ШАВКАТ ФХ | 201185420 | 1(A) |
| КУП ТАРМОКЛИ ИБРАТ ФХ | 200417162 | 1(A), 29(A) |
| ***ХАЗОРАСП тумани*** | | |
| KHOREZM GLOBAL CONSTRUCTION | 301532531 | 1(B), 17(B), 20(B) |
| ХАЁТБЕК-НУРБЕК ХК | 205323830 | 1(B), 34(C) |
| ***ХОНҚА тумани*** | | |
| АЛИШЕР ОБИДЖОН ФХ | 206025282 | 1(A), 29(A) |
| ***ХИВА тумани*** | | |
| МАШХУРА-РУСЛАНБЕК ХК | 300903458 | 1(B) |
| ХИВА-ОШПАЗ УК | 200206837 | 1(B) |
| ***ШОВОТ тумани*** | | |
| БЕШЧИКИР КК | 200424313 | 1(B) |
| МАВЛОН ФХ | 203450865 | 1(B) |
| НУРБЕК ХУС. ДОРИХОНАСИ | 200425518 | 1(A), 11(A), 34(C) |
| ***ЯНГИАРИҚ тумани*** | | |
| БАХРОМ ФХ | 203228618 | 1(A), 29(A) |
| ***ЯНГИБОЗОР тумани*** | | |
| ЖАВОХИР КИМЁ МЧЖ | 300911194 | 1(A), 11(A), 20(A), 25(A) |

## ТОШКЕНТ ШАҲРИ

| Корхона номи | СТИР | Текширувни ўтказишга масъул бўлган назорат органлари ва уларнинг бўлинмалари |
|---|---|---|
| ***ОЛМАЗОР тумани*** | | |
| BIRJASERVISTEXMASH MCHJ | 204690084 | 1(B) |
| BOIS RBB MCHJ | 301420892 | 1(B), 11(A), 17(B), 20(A) |
| DONI MUBIN MCHJ | 300077172 | 1(B), 11(A), 20(A) |
| FAYZ KARYER MCHJ | 200846064 | 1(A), 6(B), 11(A), 15(B), 17(B), 20(A), 47(B) |
| KOZIMJON-RENTING SERVIS | 301576406 | 1(B), 20(A) |
| MAXIMUM PROGRESS GROUP | 301469704 | 1(B), 11(A), 17(B), 20(A) |
| SUPER MEBEL MCHJ | 301303111 | 1(B), 16(B), 20(A) |
| ***БЕКТЕМИР тумани*** | | |
| ASKLEPIY-SVIFT MCHJ QK | 202717334 | 1(C), 6(B), 11(A), 17(B), 20(B), 25(B), 33(B), 34(C) |
| BEKTEMIR SHISHA ДП | 300340874 | 1(B), 11(A), 20(A), 25(B) |
| RIZO-UMIDA-SAVDO MCHJ | 301159274 | 1(B), 11(A), 20(A) |
| ***МИРОБОД тумани*** | | |
| AMURO-AZNABLE MCHJ | 207074848 | 1(A), 20(A) |
| APPLE TOUR MCHJ | 301382704 | 1(B), 20(A) |
| BIZNES KONSULTANT JURNALI MCHJ | 207013946 | 1(A), 20(A) |
| DOM STILYA MCHJ | 205297294 | 1(A) |
| EXIM COTTON TRADE MCHJ QK | 300968740 | 1(B), 20(B) |
| FREE TRANSPORT MCHJ | 206952809 | 1(B), 20(A) |
| JO'RA OTA XK | 202774257 | 1(B), 11(A), 20(A) |
| IKS OIL GAZ PROJECT DESIGN MCHJ | 300618717 | 1(B), 20(A) |
| MIRIN TELEKOM MCHJ | 301398169 | 1(B), 20(A) |
| ORIENT FINANS XYATB | 207086151 | 1(A), 20(C) |
| PLATINUM FORTUNA MCHJ | 206931493 | 1(B), 6(B), 47(B) |
| VETFARM-SERVIS MCHJ | 202989914 | 1(C) |
| XALQARO POCHTAMT ФИЛИАЛИ УЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ | 201052508 | 20(B), 30(C), 35(C) |
| ТУРАЗ MCHJ QK | 200985748 | 1(B), 17(B), 20(A) |
| ***МИРЗО УЛУҒБЕК тумани*** | | |
| AERO-YO'L LOYIHA | 205772660 | 1(A), 20(A) |
| AZALIUM | 204705466 | 1(B), 20(B) |
| BAK TASH INTER-SERVIS | 204596002 | 1(B), 20(A) |
| BAR-SUM-TEKS | 205756664 | 1(A), 20(B), 22(B), 25(A) |
| BREAD MARKET | 301525935 | 1(C), 16(B), 20(A), 38(B) |
| DATEX SYSTEMS | 206978427 | 1(A), 20(A) |
| GREEN TECHNOLOGIES | 300775974 | 1(B), 20(A) |
| GULENGEN | 200526423 | 1(B) |
| LOTOS TEXTILE GROUP | 301638865 | 1(B), 20(B) |
| MAGMA | 201233463 | 1(B) |
| PRINTEXPRESS | 204070959 | 1(B), 20(A), 43(C) |
| SREDAZPODSHIPNIK | 301299995 | 1(C), 20(A) |
| TECHEXPERTMASH | 206985180 | 1(B), 20(A) |
| TOSHKENT ISSIQLIK MARKAZI | 200524323 | 2(B), 21(C), 33(B) |
| TOSHKENT LOK-BO'YOQ ZAVODI | 200522888 | 20(B), 21(C), 33(B) |
| SONI-TA | 201522641 | 1(A), 20(A) |
| ZAMIN AV | 205926167 | 1(A), 20(A), 30(B) |
| ПП (ЗЖБИ-4) АО СТРОЙТРЕСТА 159 | 200523847 | 1(B), 17(B), 20(A) |
| ***СЕРГЕЛИ тумани*** | | |
| ABDUSHUKUR BIZNES SAVDO | 301220445 | 1(A), 20(A) |
| EUROASIA PARTNERS GROUP | 300608444 | 1(C), 20(A) |
| FAYZ TEXTILE GROUP QK MCHJ | 205249566 | 1(B), 20(B) |
| GREAT-PRODUKT MCHJ | 205284564 | 1(A), 11(A), 17(B), 20(A), 22(B) |
| KOMPANIYA UNITEKS OOO | 204538341 | 1(B), 20(B), 33(B) |
| NIF-SERVIS ЧПКФ | 204010256 | 1(B), 20(B) |
| NILUFAR OLIM | 206362459 | 1(A), 20(A) |
| PROGRESS-TEHNO KLIMAT | 300604046 | 1(A), 11(A), 17(B), 20(A) |
| O'KTAM DIYOR MCHJ | 200647351 | 1(A), 11(A), 20(A) |
| O'LMASBEK | 200648381 | 1(B) |
| АВИА-ЦЕНТР СП | 201448345 | 1(B) |
| ***УЧТЕПА тумани*** | | |
| GRAND FERRUM SERVIS MCHJ | 301276336 | 1(B), 20(A) |
| GII-KOSMETIK-TRADE MCHJ | 206737590 | 1(A), 20(A) |
| IBRAGIMOV N. N. XK | 301170080 | 1(A), 20(A) |
| SAN-BEK TEKSTIL MCHJ | 300447660 | 1(A), 20(A) |
| YOVMIDDIN ЧП | 201219835 | 1(B), 20(A) |
| ***ХАМЗА тумани*** | | |
| DARYA VA NUR OOO | 201597059 | 1(B), 11(A), 20(A) |
| DONNA TEX GROUP OOO | 300913983 | 1(A), 11(A), 20(A) |
| GUNER TASH СП OOO | 205921790 | 1(B), 11(A), 17(B), 22(B) |
| MEDIKOT СП | 204635894 | 1(C), 11(A), 17(B), 20(A), 22(B), 38(B) |
| SHOHRUH MUHAMMAD OOO | 203530060 | 1(B), 11(A), 17(B), 20(A), 33(B) |
| O'ZENGSANLOYIHA OOO | 200547516 | 1(B), 39(C) |
| ***ЧИЛОНЗОР тумани*** | | |
| BAKTRA MCHJ QK | 203707194 | 1(B), 11(A), 20(A), 25(A) |
| CHACH OOO | 200799757 | 1(B), 20(A) |
| DEKS MCHJ | 204532342 | 1(C), 11(A), 20(B), 22(B) |
| GETTER GROUP MCHJ МИП | 205734374 | 1(B), 20(A) |
| GLOBAL-TEKS MCHJ | 205550225 | 1(B), 11(A), 17(B), 20(B), 22(B), 25(B) |
| OSIYO BARKAN MCHJ | 204648094 | 1(B) |
| ***ШАЙХОНТОҲУР тумани*** | | |
| AJAB ETIKETKA МЧЖ | 205540554 | 1(B), 20(A) |
| FAYOZ-XDS МАЪСУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН | 204082999 | 1(B), 20(A), 22(B) |
| GIDRO SPETS KROVLYA МЧЖ | 301284761 | 1(A), 20(A), 25(A) |
| HAMKOR-KIMYOSERVIS ГП | 205770094 | 1(B), 11(A), 20(A) |
| SAFARI TRANS МЧЖ | 301298499 | 1(B), 6(B), 20(A), 25(A) |
| SERVAER MCHJ | 201448338 | 1(B), 20(B) |
| SKY LIGHT PROFI ШК | 206129287 | 1(B), 20(A) |
| STAFAR KONSALTING MCHJ | 205224202 | 1(B), 20(A) |
| TO'RAXON МЧЖ | 200842989 | 1(B), 11(A), 20(A) |
| ***ЮНУСОБОД тумани*** | | |
| ATLANT FARM MCHJ | 206851142 | 1(B), 20(A), 34(C) |
| COLEMAN GROUP MCHJ | 301165957 | 1(B), 20(A) |
| DIPLOMAT-AUDIT MCHJ | 204078701 | 2(C) |
| MUBORAK OOO | 200831875 | 1(C), 11(A) |
| NUR OMAD BARAKA SERVIS MCHJ | 300884862 | 1(A) |
| SAMVEL-SAVDO XK | 202482304 | 1(B), 11(A) |
| TIGER TRADE GROUP OOO | 301640366 | 1(B), 20(A) |
| ULUG-OYBEK KXB ЧФ | 201968434 | 1(A), 11(A) |
| XINKON KONSALT SERVIS MCHJ | 300197696 | 1(B) |
| YANGI ARIQ-SERVIS XK | 205198916 | 1(B) |
| ***ЯККАСАРОЙ тумани*** | | |
| ADVENTA PROMOTION MCHJ | 300001813 | 1(A), 20(A) |
| APITEKS MCHJ | 204608594 | 1(C), 11(A), 20(A), 22(B) |
| KONTEKS-TASHKENT XK MCHJ | 206925064 | 1(C), 11(A), 20(A) |
| MARKAZ-YOG MCHJ | 200898665 | 1(B), 20(B) |
| TOSHKAYATEKSTIL MCHJ QK | 204817761 | 17(B), 20(B), 25(B), 33(B) |
| TRANS-AUDIT-A MCHJ SH. AT | 202651054 | 2(C) |
| TO'QIMACHILIK MAHSULOTLARI REK. | 300566394 | 1(A), 11(A), 20(A) |
| YENGTIJMARKAZ MCHJ | 201059315 | 1(C), 2(B), 20(A) |
| YES TOUR SERVICE MCHJ | 206786570 | 1(A), 20(A), 22(B) |
| O'ZBEKENGILSANOAT DAK | 202700664 | 1(A), 2(B), 11(A), 20(A), 25(C) |

*Текширишлар бошланадиган сана – 2013 йил 1 август. Текширишлар тугайдиган сана 30 август.*

**Манба:** www.soliq.uz


РЕКЛАМА

NORMA®

**«КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»**

**ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз**

**Харид қилиш масалалари бўйича қуйидагиларга мурожаат қилинг:**

**Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч. 1/1, 6-қават.**

**Тел. (998 71) 283-23-74, 283-23-60. E-mail: info@norma.uz, web:www.norma.uz**



Иқтисодий–ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАҲАТЧИ
ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ **"Norma Hamkor" МЧЖ**

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди. Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
**ФАРҲОД ҚУРБОНБОЕВ**

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1,
Таҳририят тел. 283-44-27
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: gazeta@norma.uz, normapress@mail.ru
www.norma.uz
Нашр учун масъул: Нодир Алимов



*Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуқтаи назарига мос келавермайди.*

*Таҳририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.*

*«Норма маслаҳатчи»да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга* **фақат «Norma» газеталари бирлашган таҳририяти» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.**



Газета таҳририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида "TOPRINT" МЧЖ босмахонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Индекс – 186 Буюртма 1069 Адади 2165. Баҳоси келишилган нархда
*Газета А3 ҳажмда, 4 шартли босма табоқда чоп этилди.*
*Газета 2013 йил 22 июлда соат 17.50 да топширилди.*
ISSN 2010-5223